

# Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт технологиларининг самарадорлиги

Хабарингиз бор, Ҳаракатлар стратегияси қабул қилиниб, бешта муҳим соҳа бўйича ҳар йили йил номлари Юртбошимиз томонидан эълон қилинмоқда. Ўтган даврда 2020 йил-Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили бўлган бўлса, 2021-йил "Ёшларни қўллаб қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилинди. 2020 йилда пандемия туфайли кўп бажариладиган ишларимиз ҳали олдинда.



Шундан энг муҳими бу "Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш" масаласидир. Бугун 2021 йил 18 феврал куни Тошкент ирригатсия ва қишлоқ хўжалигини механизатсиялаш муҳандислари институти Халқаро анжуманлар залида "Менежмент" кафедраси ташаббуси билан "ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ТЕХНОЛОГИЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ" мавзусида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги Саидахорр Гулямов билан СХТЕ ва Б факултети профессор-ўқитувчилари, докторантлар, магистрантлар ва талаба-ёшлар иштирокида давра сухбати ташкил этилди. Йиғилишда устоз Саидахорр Гулямов ўз маъruzаси билан иштирок этиб, бугунги кунда рақамли иқтисодиёт соҳаси Республикамиз иқтисодиёт тармоқлари учун муҳимлиги тўғрисида сўз юритди.



Академик Саидахорр Гулямов интеллектуал салоҳиятни ошириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, ёшлар бандлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш каби мавзуларда ўз фикрларини билдириди. Талаба-ёшлар ва йиғилганлар билан мулоқот қилиб, саволжавоблар ўтказилди. Шунингдек, факултет раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилар Академик ташрифи учун ўзларининг самимий миннатдорчилигини билдиришди. Факултетда яна кўплаб шундай учрашувлар ташкил этилиши белгилаб олинди.

**ТИҚҲММИ матбуот хизмати**